



Бастакорлик ижодига бугунги кун қарашлари.

Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот
институту

Маданиятшунослик бўлими катта илмий ходими
Тожибоев СардорЎктам ўғли.

Аннотатсия. Ушбу мақолада ўзбек халқининг бой мусиқий мероси, айниқса бастакорлик ижодининг тарихий тараққиёти ва ҳозирги кундаги ривожланиш йўналишлари таҳлил қилинади. Бастакорлик санъати халқнинг маънавий дунёсини акс эттирувчи, миллий кадриятлар билан суғорилган муҳим маданий ҳодиса сифатида кўриб чиқилади. Шу билан бирга, тарихий бастакорлар – Борбад, Юнус Ражабий, Ф.Содиқов, М.Муртазоев, Ф.Мамадалиев каби ижодкорларнинг ҳиссаси ҳамда уларнинг ижодий мероси атрофлича ёритилади. Мақолада бастакорлик санъатининг ҳозирги кундаги аҳамияти, ёш авлодга таъсири ва мусиқа таълимида тутган ўрни ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Калит сўзлар: бастакорлик, ўзбек мусиқаси, мумтоз мусиқа, миллий кадриятлар, мақом, ижод, санъат, мусиқа мероси.

Аннотация. В данной статье рассматривается богатое музыкальное наследие узбекского народа, в частности развитие композиторского искусства в историческом и современном контекстах. Композиторское творчество анализируется как важное культурное явление, отражающее духовный мир народа и пронизанное национальными традициями. Особое внимание уделяется творческому вкладу таких выдающихся деятелей, как Борбад, Юнус Раджабий, Фахриддин Садыков, Мухторжон Муртазаев и Фаттоххон Мамадалиев. Также подчеркивается значение композиторского искусства для воспитания молодежи и его роль в системе музыкального образования.

Ключевые слова: композиторское искусство, узбекская музыка, классическая музыка, национальные ценности, мақом, творчество, искусство, музыкальное наследие.

Annotation. This article explores the rich musical heritage of the Uzbek people, with a particular focus on the historical development and contemporary evolution of the art of composition. Compositional creativity is examined as a significant cultural phenomenon that reflects the spiritual world of the nation and is imbued with national values. The article highlights the contributions of prominent figures such as Borbad, Yunus Rajabiy, Fakhriddin Sodiqov, Mukhtorjon Murtazoyev, and Fattohhon Mamadaliyev. It also emphasizes the role of compositional art in educating the younger generation and its importance in the music education system.



Keywords: composition, Uzbek music, classical music, national values, maqom, creativity, art, musical heritage.

Ўзбек халқ мумтоз мусиқа ижодиёти халқимиз маънавий меросининг негизларидан ҳисобланади. Моддий-маънавий бойликлар асосида юзага келган улкан мероснинг заминида халқимизнинг миллий анъаналари, қадриятлари мужассам топган. Маънавий меросни ўрганиш, замонга мос ривожлантириш ҳар бир давр тараққиётининг асосий омилларидандир. Халқимизнинг миллий-маънавий меросини мусиқа санъатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Азал-азалдан аجدодларимиз томонидан яратилиб, қадриятлар сифатида шаклланиб келинаётган миллий урф-одатларимиз, анъанавий тарзда авлодлардан авлодларга ўтиб, халқимизнинг буюк маънавий дунёсини намоён этиб келмоқда. Халқ мусиқа ижодиёти, мусиқа соҳасидаги ёзма манбалар, бастакорлик санъати, касбий мусиқа ижодиёти бунга ёрқин мисолдир. Чунончи, бу жараён мусиқа санъатининг барча касбийлик аҳамиятига эга бўлган тармоқлари учун асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Аввало юқорида таъкидлаб ўтилган бастакорлик ижоди бирламчи мақсадимиз бўлса, иккиламчи мақсад нуқтаи назаридан бастакорлик бўйича ўз билим ва салоҳиятимизни янада ошириш ҳамда тенгқурларимиз орасида мақомнинг мавқеини янада оширишга қаратилади.

- **Энг аввало бастакорлик ижоди бўйича маълумотлар йиғиш.**
- **Йиғилган маълумотларни тартиблаштириш.**
- **Бастакорлик ижодини мукаммал ўрганиш ва келажак авлодга ўргатиш.**
- **Бастакорлик ижодининг ўтмиши ва бугунги кундаги ривож.**

Охирги чорак аср халқ мусиқа ижодиётида ўзига хос давр бўлди. Бастакорлик ижодиётида ушбу даврни қайта тикланиш синови деса бўлади. Чунки бастакорликда турли услубларнинг жонланиши ва уларнинг ичида анъанага хос услубнинг афзаллиги исботини топаётгандек. Булар, асосан, куйларни қайта ишлаш, нағма пардозликка (аранжировка), тақлид ва кўчирмачиликка эътибор кучайган жабҳага тааллуқлидир. Мумтоз мусиқага бўлган эътиборнинг тикланиши ва қайта инobatга олиниши, оммавий мусиқа маданиятининг кириб келиши ва тақлидчиликнинг



кучайиши, уларга эргашиш ва бадихагўйликка берилиб кетишлик ўз натижасини кўрсатди. Оқибатда, ўзбек бастакорлигининг азалий анъаналари, устоз-шогирд сабоқларининг асослилиги, тарих давомида шаклланган бастакорлик ижодиёти ҳамда таълими амалиётда ўз ижобатини топди. Мустақиллик даврида эса, ана шу барча тарихий жараён, ижрочилик амалиётининг босқичлари, бастакорлик ижодиётининг услуб, йўналиш ва намояндалар фаолиятини теран ўрганиш имкониятлари яратилмоқда. Бу имкониятлар таълим жараёнига жорий этилган, ёшларнинг бу борадаги маънавий дунёсини ривожлантиради. Келажакда миллий мусиқа меросимизнинг ривож, бастакорлик ижодиётининг камолоти халқимизнинг қадриятларига хос, анъаналарига мос, замон талабидаги жиҳатлар билан суғорилган ҳолда ривож топиши бегумондир. Одатда, бастакорлик ижодиёти бир-биридан келиб чиққан икки қатламга бўлинади. Биринчи қатлам – халқ мусиқа ижодиёти, яъни халқ томонидан яратилиб келинган фолклор мусиқаси. Иккинчиси – мусиқа ижрочилиги амалиёти; мерос бўйича муайян билимга эга бўлган шахс, яъни бастакорлар ижодиёти натижасида яратилган мумтоз мусиқий асарларидир. Бастакорлик ижодиётининг энг йирик ва мукаммал шакли мақомот тизимига кирувчи асарлардир. Бастакорлик амалиётида шаклланиб мақомот шаклигача ривожланган жанрлар, манбаларда **амал, қавл, парда, нағма, овоз, нақш, нешрав, савт, чорзарб, кор, тарона** каби ибораларда тасвирланиб келинган.

Бастакорларнинг янги авлоди, ўтмиш ижодкорлари анъаналарини давом эттирган ҳолда ўзига хос янги услубларни яратмоқдалар. Бастакорлик ижодиётининг тадрижий жараёнида **“Илк ўрта асрлар бастакорлиги”, “Борбад ижоди”, “Абул Фараж ал-Исфahоний ижоди ва хусусан, унинг “Кўшиқлар китоби”** алоҳида аҳамиятга эгалиги фанда эътироф этилади. Шу боис бу мавзуларни алоҳида ўрганиш ва ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиёлик буюк санъаткор, хонанда, созанда, тарихда мумтоз мусиқа асосчиси сифатида машҳур бўлган бастакор Борбад эрамизнинг VI асри 60-йилларида таваллуд топган. У Хуросоннинг қадимий ва марказий шаҳарларидан бири ҳисобланган Марвда яшаган. Борбад ижоди давомида 7 та йирик шаклдаги асарлар туркуми “Хусравоний”ларни, 30 та лаҳн, 360 та (алҳон) кўшиқ-достонларни яратишга эришади ва касбий мусиқа ижодини бошловчиларидан



бири сифатида тарихга номи муҳрланади. Борбад яратган куйларнинг мусикий оҳанглари сақланиб қолинмаган, лекин уларнинг номлари турли манбаларда турлича таркибда келтирилади. Манбаларда кўшиқларнинг *“Яздан офрид”, “Ганжи бод овар”, “Боғи Шахриёр”, “Нимрўз”, “Сабр дар сабз”, “Кини Эраж”, “Кини Сиявуш”* *“Хафт ганж”, “Роҳи Шабдиз”, “Боғи Ширин”* каби номлари билан бирга муайян йўналишга хос кўшиқлар ҳам сақланиб қолган. Жумладан: *Наврўз маросими билан боғлиқ кўшиқлар – “Боди Наврўз”, “Нози Наврўз”, “Сози Наврўз”, “Наврўзи Хурдак”*; *халқ қаҳрамони Сиёвушга бағишланган кўшиқлар – “Боғи Сиёвуш”, “Кини Сиёвуш”, “Сиёвушон”* ва бошқалар. Борбад *“борбат”* чолғусини кашф этган изгар сифатида ҳам ном қолдирган. Борбад Ўрта Шарқда мумтоз мусиқа санъатининг илк профессионал намоёнчаси даражасига кўтарилган ва айнан шу соҳа асосчиси сифатида тарихдан ўрин олган. *“Бастакор”* ибораси **форс-тожик** сўзлар бирикмасидан ҳосил бўлган бўлиб, *“баста” – боғлаш, “кор” – иш, машғулот* деган маъноларни билдиради. Мусиқада бастакор – мумтоз мусиқа йўналишларида, услубларида бадиий асар яратган ижодкорларга нисбатан қўлланилиб келинади. Тарих давомида бастакорлар, яъни мусиқа шағулланган ижодкорлар турли даврларда ва ўзгача номлар билан аталиб келинган. [7,11]

Маълумки, ўзбек бастакорлик ижоди ҳам турли даврлар ривожини ўтаган ва ривожланган. Бастакорликнинг кенг қамровлиги, кенг қўламлилиги, оддий ва марақаб жихатлар билан суғорилганлигида ўзига хос миллий анъаналарни мужассам этгандир. Ўзбекистон ҳудудида ўзининг локал хусусиятлари доирасида 5 та воҳа мавжуд бўлиб, ўзига хос маҳаллий услублар билан ажралиб туради. Булар: **Қорақалпоғистон, Бухоро-Самарқанд; Хоразм; Сурхондарё-Қашқадарё ва Фарғона-Тошкент** услубларидир. Ўзбек бастакорлик ижодиётининг ривожига катта ҳисса қўшган мактаблардан бири Андижон бастакорлик мактабидир. Ўзига хос янгича ёндашишларга асосланган замон бастакорлик ижодиётида Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов, Мухторжон Муртазоев каби Андижон бастакорлик мактаби намоёндаларининг ижодий фаолияти ўз самарасини намоён этди. XX аср ўзбек мусиқашунослигида бастакорлик ижодиётини ўрганиш ва шу санъатга оид рисоаларнинг ёзилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу мавзуга



алоҳида ёндашиб, илмий тадқиқотлар олиб борган *И.Ақбаров, Ф.Кароматов, М.Аҳмедов, К.Олимбоева, А.Жабборов, Т.Б.Ғофурбеков, О.Матёқубов, Р.Абдуллаев, Р.Юнусов, О.Иброҳимов, С.Бегматовларнинг* ижодини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бастакор ибораси негизида мусиқа яратувчилик билан боғлиқ бир қатор амалларни ўзида мужассам этган турлар мавжуд. Мусиқа ижрочилигида моҳирликка эришиб, фақат ўз ижроси ва услубида мусиқа ижод этганлар ҳам учрайди, айниқса ҳозирги даврга келиб бу йўналиш анча оммалашган.

Бастакорлик ижодиётида куй басталаш билан бирга ушбу касбнинг хусусияти билан боғлиқ яна бир қатор жиҳатларни акс этувчи амалларни қамраб олувчилар ҳам мавжуд. Азалдан ушбу касб эгалари ҳам халқ мусиқа ижодиётида ўз ўрнига эга эканлиги мусиқий рисолаларда баён этилган. 1930-йилларнинг иккинчи ярмидан Ўзбекистон санъати ва адабиёти кунлари тез-тез ташкил этилиб турила бошланди.

Бу эса ўзбек бастакорларини янги асарлар яратишга ундарди. Кўпчилик бастакорлар қаторида Ю.Ражабий ҳам шу даврларда *“Ёр меҳри” (А. Навоий), “Мунча ҳам” (Муқимий), “Ҳажрингда” (Фурқат), “Муҳаббат дашти”* каби кўшиқларни яратишга муяссар бўлади. Бунинг натижасида у 1938-йили Ўзбекистон композиторлар уюшмасига аъзоликка қабул қилинади. 1939-йили эса унга *“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби”* фахрий унвони берилади. Алломанинг ўзбек мусиқа санъати ривожига олиб борган фаолияти кўп қиррали эканлигини эътироф этиш лозимдир. Биринчидан, *ижрочилик*; иккинчи йўналиш – *бастакорлик*; учинчиси – *анъанавий мусиқа намуналарини нотага олиш* билан боғлиқ *этнограф-мусиқашунослик*; тўртинчиси – *мақом ансамблига раҳбарлик*; бешинчиси – *ўзбек халқ ва мумтоз мусиқаларини мақомчилар ансамблига ўргатиб, магнит тасмаларига ёздирган ва мерос қилиб қолдирган хазинабон*; олтинчиси – *бетақроп шогирдларнинг камолга етишида раҳнамолик қилган меҳрибон устоз*, еттинчиси – *мусиқа ижрочилиги, ижодиётида ибрат сифатида фаолият олиб борган ягона академикдир*.

Юнус Ражабийнинг бастакорлик ижоди ранг-барангдир. Унинг яратган асарларида бу жиҳатлар яққол намоён. Ана шундай ёндашишлардан бири намуналарни қайта ишлаш, яъни нағ- мапардозлик йўналишидир. Халқ мусиқа



меросидаги унутилиб бораётган намуналарни тиклаш ва уларни анъанага хос ва замонага мос тартиблаштириш ишлари азалдан бастакорликнинг етакчи йўналишларидан ҳисобланган. Ўзбек бастакорлик ижодиётини илмий тадқиқ этган муסיқашунос олим Т.Б. Гофурбековнинг: “Миллий бастакорлик санъати йиллар ва асрларгина эмас, балки минг йилликлар давомида барча синовларга бардош бериб, услубан саноғи йўқ муסיкий битиклар теварагида ўз анъаналарини йўқотмай келмоқда” [4,9]

Устоз санъаткор **Фахриддин Содиқов** ижодига бир назар солсак. Устоз санъаткор, моҳир созанда ва бастакор Фахриддин Содиқов 1914-йилнинг 13-май куни Тошкент шаҳрида туғилган. Ёшлигидан дутор ва чанг чолғу ижрочилиги сирларини ўрганган. Устозлари Нуғмон қори Мўминзода ва Абдусоат Ваҳобовлар бўлишган. Тошкент муסיқа техникумида таҳсил олиб, уни 1933-йили тугатган. Ўзининг ижрочилик фаолиятини 1930-йиллардан бошлаган. Фахриддин Содиқов бастакор сифатида замонасининг илғор бастакорлари ва композиторлари билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилади. У композиторлар Б. Гиенко билан “Ота ўғли” (Ҳ. Шарипов песаси), С. Ҳайитбоев билан “Султон ларзада” (Саъдулла песаси) каби муסיқали драмалар, бастакор Ғ.Тошматов билан ҳамкорликда “Янги Тошкент” сюитаси каби йирик муסיқа асарларини яратди.

Фахриддин Содиқов, аввало, забардаст бастакордир. Унинг ижодида қўшиқ жанри алоҳида ўрин тутати. Қўшиқларининг аксарияти халқона услубда, қўшиқ, ашула ва ялла шаклларида ёзилган. Булар: *“Юргил лола сайлига”, “Жоним тасаддуқ”, “Зухрага”, “Парвонасиман”, “Вафодор”, “Лоақал”, “Улуғ айём”, “Ишқ”, “Жонон кўринур”, “Савти мускин”, “Согиниш”, “Қора кўз”, “Ўзбекистоним менинг”, “Ўзбек валси”, “Ўзбекистон”, “Фаввора”, “Турналар”, “Зулайҳо бўлсанг”, “Субҳидам”, “Янги йил таронаси”, “Кечар йиллар”, “Она”, “Бир гўзал”, “Ширмоной”, “Ўйна гулим”, “Бахт”, “Ҳаёсини кўринг”, “Зебихон”, “Зулфинг”, “Сувчи қизга”, “Шодиёна”, “Ишқим тушди ёр-ёр”, “Гулистон қил”, “Ойдин кечада”, “Тушмасин”, “Фарзанд қувончи”, “Саодатим”, “Гул ишқи”, “Тўёна”, “Пахтакор аёл”, “Барно йигит”* ва бошқалар. Фахриддин Содиқов ўзининг созандалик фаолияти ва бастакорлик ижоди билан ўзбек муסיқа санъатига



улкан ҳисса қўшди. Ижрочилик амалиётида эса ҳар томонлама мукамал, миллий анъаналар билан суғорилган ўзига хос бетакрор ижро услубини яратди. Унинг яратган асарларининг ўзига хослиги, ушбу услубга мослигидадир. Ўзбек бастакорлик ижодиётида шу даврда яратилган мусиқий намуналар орасида Содиқовнинг то ҳозирги кунгача келаётган асарлар қаторидан ўрин олиб келмоқда.

“Бастакорнинг “Кўрсатмағай” (Ишқ) ашуласи мумтоз мусиқа йўллариغا мансуб бўлиб, шаклан мақомларга хосдир. Бобур ғазалига басталанган ушбу асарни иккинчи номи ҳам мавжуд ва амалиётда “Ишқ” деб ҳам юритилади”. Асарнинг хусусиятидан келиб чиқиб ёш хонандаларга тавсия этишдаги асосий мезон кенг овозли қамрови ҳисобланади. [5,98]

Бастакорлик санъати жуда кенг тушунчадир. Оддий қилиб айтганда, халқ мусиқаси ҳам халқ томонидан оммавий тарзда яратилади ва ижро этилиб келинади. Демак, бу ҳам бастакорлик санъатининг бир кўринишидир. Фақат улар халқимизнинг ҳаёти, воқелик, маросим ва удумларига боғлиқлиги билан ажралиб туради. Ана шу жараённинг равнақи, яъни миллийликнинг ривож, халқимизнинг тафаккури, маънавияти, маърифий камоли, жамият ривож ва буюклигини мусиқий оҳангларда муайян шаклларга солиб тасвирлаб бериш бастакорлик амаллари десак тўғри бўлади. Зотан, бу амал муайян шахс, яъни мусиқа билимдони томонидан амалга оширилади. Энг муҳими шундан иборатки, бастакорлик ижодиётининг маҳсули, халқнинг маънавий дунёсини замонасига мутаносиб ҳолда акс эттириб, яна халққа тақдим этишдан иборатдир. Унда замон нафаси, миллий анъаналар, халқнинг дунёқараши, руҳияти, фалсафаси, эътиқоди, эстетикаси каби жиҳатлар мукамал уйғунлигини топиши лозим.

Мусиқашунослик илмида бастакорлик ижодиётини ўрганиш ва таҳлил этишга алоҳида эътибор бериб келинганлигини қайд этиш лозим. Ушбу илм-фан йўналишида, фолклор ва оғзаки профессионал мусиқанинг ўзига хосликлари, яратувчи намояндалари ҳақида сўз юритилган илмий рисоалар, монография ва илмий мақолалар орқали бастакорлик ижодиёти ёритилиб келинади. Бастакорлик ижодининг назарий ва амалий илдизлари ҳақида кўплаб олимларнинг илмий изланишлари, ушбу соҳа тушунчаси ҳамда қарашларни кенгайтиришга қаратилган.



Бастакорлик санъати жуда кенг тушунчадир. Оддий қилиб айтганда, халқ муסיқаси ҳам халқ томонидан оммавий тарзда яратилади ва ижро этилиб келинади. Демак, бу ҳам бастакорлик санъатининг бир кўринишидир. Фақат улар халқимизнинг ҳаёти, воқелик, маросим ва удумларига боғлиқлиги билан ажралиб туради. Ана шу жараённинг равнақи, яъни миллийликнинг ривож, халқимизнинг тафаккури, маънавияти, маърифий камоли, жамият ривож ва буюклигини муסיкий оҳангларда муайян шаклларга солиб тасвирлаб бериш бастакорлик амаллари десак тўғри бўлади. Зотан, бу амал муайян шахс, яъни муסיқа билимдони томонидан амалга оширилади. Энг муҳими шундан иборатки, бастакорлик ижодиётининг маҳсули, халқнинг маънавий дунёсини замонасига мутаносиб ҳолда акс эттириб, яна халққа тақдим этишдан иборатдир. Унда **замон нафаси, миллий анъаналар, халқнинг дунёқараши, руҳияти, фалсафаси, эътиқоди, эстетикаси** каби жиҳатлар мукаммал уйғунлигини топиши лозим. Муסיқашунослик илмида бастакорлик ижодиётини ўрганиш ва таҳлил этишга алоҳида эътибор бериб келинганлигини қайд этиш лозим. Ушбу илм-фан йўналишида, фолклор ва оғзаки профессионал муסיқанинг ўзига хосликлари, яратувчи намояндалари ҳақида сўз юритилган илмий рисоалар, монография ва илмий мақолалар орқали бастакорлик ижодиёти ёритилиб келинади. Бастакорлик ижодининг назарий ва амалий илдизлари ҳақида кўплаб олимларнинг илмий изланишлари, ушбу соҳа тушунчаси ҳамда қарашларни кенгайтиришга қаратилган.

Асрнинг 2-чорагидан бастакорларимизнинг Ўзбекистон муסיқа маданиятига кўшган ҳиссалари ниҳоятда унумли бўлди. Хусусан 1930–1940-йиллардан ўзбек муסיқали драмаси ва комедияси шаклланишида, 1950-йилларда опера ривожда Тўхтасин Жалилов ва Юнус Ражабийлар ҳиссаси катта. XX-аср ўзбек кўшиғи тараққиёти Комилжон Жабборов, Фаҳриддин Содиқов, Имомжон Икромов, Набижон Ҳасанов, Саиджон Калонов, Муҳаммаджон Мирзаев, Ғанижон Тошматов сўнгги йилларда Фаттоҳхон Мамадалиев, Абдуҳошим Исмоилов, Ўлмас Расулов, Аҳмаджон Дадаев каби бастакорлар ижодида шакл топди. Бастакорлик санъати аста-секин муסיқа таълими тизимида киритилмоқда, атоқли бастакорлар асарлари нашр этилиб, булар ижроси бўйича махсус кўрик-танловлар ўтказилмоқда, айримларининг ижодига оид илк тадқиқотлар яратилмоқда. Охирги чорак аср халқ муסיқа



ижодиётида ўзига хос давр бўлди. Бастакорлик ижодиётида ушбу даврни қайта тикланиш синови деса бўлади. Чунки бастакорликда турли услубларнинг жонланиши ва уларнинг ичида анъанага хос услубнинг афзаллиги исботини топаётгандек. Булар, асосан, куйларни қайта ишлаш, нағма пардозликка (аранжировка), тақлид ва кўчирмачиликка эътибор кучайган жабҳага тааллуқлидир.

Мумтоз муסיқага бўлган эътиборнинг тикланиши ва қайта инобатга олиниши, оммавий муסיқа маданиятининг кириб келиши ва тақлидчиликнинг кучайиши, уларга эргашиш ва бадихагўйликка берилиб кетишлик ўз натижасини кўрсатди. Оқибатда, ўзбек бастакорлигининг азалий анъаналари, устоз-шоғирд сабоқларининг асослилиги, тарих давомида шаклланган бастакорлик ижодиёти ҳамда таълими амалиётда ўз ижобатини топди. Бастакорлик ижодининг энг муҳим жараёнларидан бири, уларнинг муסיқа ижодиётидаги ижодий услубларидир. Одатда, ҳаётни муסיқий оҳангларда ифодалаш мураккаб жараён. Ана шу жараёнда ҳар бир бастакор ўзининг дунёқараши, ҳаётни акс этиши, маънавий дунёни тасвирлашида ўзига хослик жиҳатлар ўзини намоён этиши муқаррардир. Шу боис бу жараёнда миллий мезон, миллий қадрият ва миллий анъаналаминг замон билан уйғунлиги, уламинг асарларида ифода этилганлиги аҳамиятлилигини эътироф этиш жоиздир. Дунёда ҳар бир зарранинг ўз ўрни, қонуни, қондаси ва шунга мос талқини мавжуд.

Мухторжон Муртазоев - рус ва жаҳон муסיқа маданиятини яхши ўзлаштирган ва катта эътибор билан ёндошган бастакор. Сабабки, жаҳон маданиятини билиш ва нота илмини чуқурроқ эгаллаш эди. Машҳур рус композиторлари: Н.Миронов, Штумберг, Б.Арабов, М.Гнесинлар билан бўлган ижодий ҳамдўстлик унга жаҳон муסיқасининг энг яхши дурдоналари билан танишишига сабаб боиди. Муסיқий илмини ҳам чуқурлаштирди ва профессионал йўлда ижод этиш учун ўзига замин яратди. Бастакорликда ўз ижодий тафаккурини бойитишга интилади. Халқ ёиларидаги муסיқалардан унумли фойдаланиш, асар руҳига турли услублар билан уйғунлашиб, муסיқавий атмосфера бунёд қилишдек нозик уйғунлик жозибасини уддасидан чиқа олди. Бастакоминг муסיқа меросимизга қўшган ҳиссаси буюк. *“Фаргона тонг отгунча” (Ҳазиний газали), “Бир ишва билан” (Ҳамза газали), “Базни ташлаб” И.Бобораҳим Мирзаев газали, “Таманно”*



(*Камтар шеъри*) каби лирик ашулалари, оригинал мумтоз кўшиқчилигимизнинг ёрқин намунасидир.[8.58]

Жумладан *Фаттоҳхон Мамадалиевнинг* – “*Интизор*” (*Улфатий сўзи*), “*Оқибат*”, “*Согиндим*”, “*Фалак*”, “*Меҳмон*”, “*Жудо келди*” ва “*Юзни ҳажри- да*” (*Нодира сўзлари*), “*Аҳд қилдим*” (*Муқимий сўзи*), “*Жононим менинг*” (*Хайратий сўзи*), “*Орзу*” ва “*Деҳқонларим*” (*В. Саъдулло газали*), “*Сўрмаса*”, “*Каломингдан*” ва “*Дилкушо*” (*Х. Азимов сўзи*), “*Ўлмагай*” (*Навоий газали*), “*Кўнгил*” ва “*Сирри ишқим*” (*Х. Яҳёев сўзи*), “*Раъно гуллари*” ва “*Согинурман*” (*О. Холдор сўзи*) каби ашулаларни мисол қилиш ўринлидир. Бастакорнинг ижодидан ўрин олган асарларнинг аксарияти мақом йўлларига хослиги билан характерланади. Барчасида *шакл, усул, матн, драматик ривожлар* айнан мақомларга хослигини эътироф этиш лозим. Шу билан бирга авж тизимига катта эътибор қаратилганлигини ҳам қайд этиш мумкин. Бунга ёрқин мисол *Огаҳийнинг “Деди”* радифли газалига басталаган “*Дард-у дилим*” ашуласидир. Ғазалда ўзига хос мулоқот мавжуд:[9.107]

Дард-у дилим анго дедим, дема ани манго деди,

Ким манга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго деди.

Асар иккита йирик авж билан ижро этилган, биринчи авжлар тизими ашуланинг тўлиқ шаклини ифодалаб беради. Бастакор унга яна бир катта авжни қўшган. Бу авж асарнинг юқори чўққиси ва драматик кулминатсияси сифатида хизмат қилади. Асарни ижро этиш учун катта овоз кўлами керак бўлади.

Фаттоҳхон Мамадалиевнинг бастакорлик ижодиётидаги қадимий куйларни қайтадан тиклаш амалида “*Умрзоқ Полвон Ушшоқ*” ва “*Зикри Ушшоқ*” (*Қадимий Ушшоқ*) каби мусиқий намуналарни устозлар талқинига хос ҳолда қайта ишлаб тиклашга муваффақ бўлади. Ушбу асарлар, айниқса, “*Қадимий Ушшоқ*” ижрочилик амалиётида кенг оммалашди.

Бастакорнинг мусиқий мерос таркибидаги асарларни туркумлаштириш ҳам алоҳида эътиборлидир. Бастакор томонидан бир қатор мусиқий намуналар анъанага мос ҳолда туркумлаштирилди. Булар саккиз қисмли “*Мускин*” мусиқий намунаси (*Муқимий, Саккокий, Фурқат, Мускин, Улфат ва Туроб Тўла шеърларига*), саккиз қисмли “*Ушшоқ*” намуналари (*Увайсий, Фурқат, Навоий, Огаҳий, Гавҳарий*



ғазалларига), тўрт қисмли *“Насруллоий” туркуми (Навоий, Ф. Мамадалиев ва Улфат шеърларига)*. Улар *“Шашмақом”*нинг иккинчи гуруҳ шўбаларига хос ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига мос туркумлашув тамойилларига таянган ҳолда ижод этилган. Мазкур асарларда бирламчи асосий кўринишлар кетидан зарурий равишда ўрин олиши лозим бўлган *Талқинча, Қашғарча, Соқийнома ва Уфортизимидаги* кичик туркумга хос асарлар киритилган. Бастакор томонидан туркумлаштирилган *“Муножот”* ва *“Савти Фаттоҳхон”* туркумлари эса нисбатан ихчам шаклларга эга бўлиб, фақат Алишер Навоий ғазалларидан фойдаланилган.

Ҳеч шак-шубҳасиз ана шу бойликлар сирасига инсон бадиияти эриша олган зангинлар силсиласига бастакорлик санъати кирадики, бу ҳақиқатни биз бутун, яъни XX-XXI асрлар алмашган палладагина эмас, балки навқирон учинчи минг йиллик сарҳадидан эътимод ила эътироф этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Демак бастакорлигимиз миллий бойлигимиз, ўзбек муסיқий-ижодий тафаккури маҳсули демакдир. Муסיқа санъатининг муҳим тармоғи муסיқа ижодиёти ва ижрочилигидир. Муסיқий намуналар яратилиш ва ижро этиш каби мезонларни ўз ичига олади. Уларни тугал асар шаклига келтирадиган, оҳанг ва садолар орқали инсонга руҳий озуқа берадиган куй ва кўшиқларнинг яратилиши бастакорлик ижодиёти билан боғлиқдир. Бу, албатта, муסיқа санъатининг энг муҳим тармоғи ҳисобланади. Демак, муסיқа яратувчилари, яъни бастакорларнинг ижодиёти халқ маънавияти, маданияти, тарихи, анъана ва қадриятлари ҳақида маълумот берувчи ахборот манбайи вазифасини ҳам ўтайди.

Бастакорлик санъати жуда кенг тушунчадир. Оддий қилиб айтганда, халқ муסיқаси ҳам халқ томонидан оммавий тарзда яратилади ва ижро этилиб келинади. Демак, бу ҳам бастакорлик санъатининг бир кўринишидир. Фақат улар халқимизнинг ҳаёти, воқелик, маросим ва удумларига боғлиқлиги билан ажралиб туради. Ана шу жараённинг равнақи, яъни миллийликнинг ривож, халқимизнинг тафаккури, маънавияти, маърифий камоли, жамият ривож ва буюклигини муסיқий оҳангларда муайян шаклларга эга. [6,5]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. С. Бегматов. Бастакорлар ижоди *“Ўқув қўлланма”* Тошкент-2017.



2. С. Бегматов Бастакорлар ижодиёти. Ноталар тўплами. Т-2022.
3. Т. Ғофурбеков. “Сайланма 70” (Муסיқа нашриёти) Тошкент-2009.
4. Р. Юнусов. “Шарқ халқлари мақомлари” (Ўқув қўлланма) Тошкент-2022.
5. Ф. Мамадалиев. Миллий муסיқа ижрочилиги масалалари. – Т., 2001.
6. И. Ражабов. “Мақом асослари”. Тошкент. 1992 йил.
7. О. Матёкубов ”Мақомот”. Муסיқа нашриёти , Тошкент-2004.
8. Жабборов А.Х, Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари, Янги аср авлоди, Тошкент, 2004.
9. . О. Иброҳимов. Фарғона-Тошкент мақоми. -Т,: 2006-йил.

